

**ГАРБ  
БОЗОРЛАРИДАГИ  
БЕҚАРОРЛИК**



## **ТАРБ БОЗОРЛАРИДАГИ БЕҚАРОРЛЫК**

1997 йил октябр ойининг охирги ҳафтасида жаҳон бозорларида акцияларнинг нархлари кескин тушиб кетди. Бу ҳол Гонгконгда бошланиб, Японияга сўнгра Европа ва Америкагача ёйилди. Бамисоли қўёш ер куррасининг турли минтақаларидаги шаҳарларга навбати билан олдинма-кейин нур таратганидек акция қийматининг тушиши ҳам худди шунга монанд тадрижий юз бераверди. Акциянинг бундай кескин тушиб кетиши худди 1987 йил Нью-Йоркда акция қиймати бир кунда 22 фоиз тушган пайтдагидек ёки 1929 йилдаги бундан ҳам даҳшатлироқ ўзгариш юз бериб, Америка иқтисоди инқирозга юз тутганидек фожиавий бир ҳол юз бериши мумкин деган воҳимани келтириб чиқарди. Тарихий ҳужжатларда бу ҳодиса ҳанузгача «катта инқироз» деб аталади. Бу инқироз ўн йил ҳукм сурган иқтисоднӣ танглик ва очарчиликка сабаб бўлган эди.

Иқтисодий таназзул Америка президентини иккинчи жаҳон урушига қўшилишга мажбур қилди ва мамлакат иқтисоди фақат қурол-аслаҳалар ишлаб чиқариш орқалигина тикланди.

Европадаги бу инқироздан аввал Жанубий Шарқий Осиёдаги давлатларнинг пуллари қадрсизланди. Шунга қарамай пул қиймати ҳам, акцияларнинг курси ҳам тушишда давом этаверди ва бу давлатлардаги талай банк ва ширкатлар синди. Бу иқтисодий бўхрон Таиланд, Филиппин, Малайзия ва Индонезияда бошланиб, ҳудди юқумли микробга ўхшаш Осиё шимолидаги Жанубий Корея билан Тайванга ўтди. Октябр ойининг охирларида эса Фарбнинг Осиёдаги йирик савдо базаси ҳисобланмиш Гангконгга етиб боргандга Farb бозори бу микробнинг нечоғли хавфли эканини ҳис этди. Чунки, айнан Европа ва Нью-Йорк бозорларида содир бўлган аянчли ҳол юз берди.

Бу икки иқтисодий бўхрон капиталистик ҳаёт тарзи ва

қонуниятларидан келиб чиққан бўлиб, унинг сабаби, хусусиятлари ва таъсир кўлами асло бир хил эмас. Жанубий Шарқий Осиёдаги акция бозорлари ҳали ўзларини тутиб ололмаган, жуда ночор аҳволда эди. Акция билан иш юритувчиларнинг сони оз, бунинг устига бу оламга эндиғина кириб келган одамлар эди. Акциялардан наф кўрувчилар бадният ҳукмдорлар эди. Худди Таиланд ва Индонезиядагидек бу кимсалар Жанубий Шарқий Осиёда ҳам асосий сармоядорлар бўлиб, гарбий сармоядорларга ўз пулларидан наф кўриши мубоҳ қилишди ва бу бозорларда гарблик сармоядорлар тезда бойиб кетишларига имконият яратиб бериши. Америка бундай сармоядорларнинг ер курасининг истаган жойида акция бозорларини очишига ва Farb усулида пул ўйини қилиб даромад олишига шароит яратиб берди. Шунингдек уларга ўз молларини истаган давлатига олиб кириш, бу жойларда кўнгиллари тусаган ишга пул тикиш ва қўлга киритган молларини ҳеч

қандай эътиroz ва тўсиқсиз олиб чиқиб кетиш ҳуқуқини берди. Лекин акция бозорлари гарчанд сармоя воситаси деб аталса-да, аслида маълум шаҳар ёки мамлакат иқтисодини ривожлантирадиган сармоя манбаи эмас. Чунки ҳақиқий сармоя манбаи, яъни инвестиция, худди америкаликлар иккинчи жаҳон урушидан кейин Европа ва бошқа қитъалардаги давлатларда кўплаб корхона ва ширкатлар қуриб, уларга эгалик қилишни бутунлай ўз кўлларида сақлаб қолиш тарзида бўлади. Бу бевосита ҳукмрон сармоядорлик бўлади. Аммо воситали инвестиция, яъни сармоя эгаси, маҳаллий мулк эгаси ва давлат эгалик қилаёттак мавжуд корхона ёки ширкат ақикяларининг маълум бир қисминигина сотиб олиш орқали рӯёбга чиқарилади. Бундай ширкатларнинг баъзи акциялари маҳаллий сармоядорлар қўшган улушкига яраша чиқарилган акцияларнииг йилда бир марта бўлинадиган фойдага қаноат қилиш ниятида эмас, балки қандай йўл билан бўлмасин ширкатга тўла эгалик

қилиш бўлмай балки, барча чоратадбирларни ишга солиб, катта даромад олиш, ўзлари сотиб олгаи акциялар қийматини кескин қўтариб, тезлик билан бойиш мақсадида харид қилинган. Бундай давлатларнинг бозорлари кичкина бўлиб, хорижий сармоядорлар ўз қўлларидағи акциялар қийматини истаганча ўзгартира оладилар, бу мамлакатлардаги бозорлар биринчи навбатда уларнинг манфаатларига хизмат қиласди ва булар сердаромад давлатлар деб аталади. Чунки бундай кичкина бозорларда турли ҳийланяранглар орқали акция қийматларини bemalol ўзгартира оладилар. Бу давлатларда акция билан иш юрутувчилар кам, улар хорижликлардан молга, гарб сармоядорларининг ўртага ташлайдиган сармоясига, ҳатто бозор муомаласидаги фирибгарлигу найрангларига ҳам муҳтож. Юз минг ёки миллион доллар маблағга эга жамғарма фаолиятида иштирок этувчи гарблик сармоядор ўз мол-мулки, банкдаги маблағи маҳаллий акцияларни сотиб

олишига сарфлаган маблагини қай йўсун ишлатишни билади. У ўзи шерик бўлган жамғармадаги акцияларнинг қиймати ўсишини томошибин бўлиб кутиб ўтирумайди, балки ўз қўлидаги акциялар мудом ҳаракатда ва ривожланишда бўлишини истайди. Муайян акцияга катта маблағ сарфлагани ҳақида акциядор ширкатнинг истиқболи қандай эканлигини изчил ўрганиб боргани, унинг келажаги порлоқ бўлажаги ҳақида турли воситалар орқали овозалар тарқатади, бу фаолиятлардан бутунлай бошқа мақсадларни, малайзиялик, тайландлик ва индонезияликнинг хаёлига ҳам келмайдиган манфаатларни назарда тутади. Муайян ширкат ёки корхонанинг ёрқин келажаги ҳақидаги шов-шуввларни эшигтан маҳаллий халқ бу акцияларни сотиб олишига шошилиши турган гап. Кўрибисизки, акцияларнинг нархи аста секин ёки бирдан ошиб кетади. Натижада биронта сармоядор жамғарманинг қўллаб-қувватлашига ҳожат қолмайди, акцияларнинг қиймати мўлжалланган даражага ўсиб етади ва

маҳаллий халқقا сотилади. Ҳаш-паш дегунча ўз дастмояси ва фойдасига эга бўлади ва бевосита шу ишга дахлдор ёки бутунлай бошқа юмуш билан шуғулланадиган ширкатларнинг акцияларини қидиришга тушади. Акцияларини харид қилган одамлар бу ишларнинг сир асрорини англаб етгунча ўз ишини қилиб улгуради. Баъзан бир неча Farb сармоядорлар жамғармалари битта уюшмага бирлашгандек иш юритадилар, чунки уларнинг мақсад ва интилишлари муштарак. Бундай уюшма ва жамғармалар маълум шаҳар ёки мамлакат бозорларини ўз қўлларига оладилар. Истаган пайтда акцияларнинг нархларини тушириб, мазкур мамлакатнинг пулини қадрсизлантириб юбора оладилар. Оқибатда ўз мижозларига қарзга мол берадиган маҳаллий банкларнинг тақдири хавф остида қолади. Бу Совет ҳокимияти парчалангандан бўён ер юзи ва жаҳон иқтисодига Америка якка ҳоким бўлиб олгандан ҳамда «тараққий этаётган» давлатларга мажбуран тиқишираётган

сармоянинг ҳосиласидир. Чет эл сармояси ҳисобига тараққий этаётган давлатларнинг халқ хўжалиги ва иқтисодини қўлга олиш бирон ишга сармоя беришдан муҳимроқ, айни вақтда сармоя олаётган давлат учун ўта хатарлидир. Бундай сармоялар мазкур давлатларда кетма-кет юз берадиган молиявий ва иқтисодий бўхронларнинг, халқни кафангадо қилишнинг асосий сабабларидан биридир. Хориждан келтирилаётган бу сармоялар хоҳ Америка қитъасидаги Мексика, Бразилия, Аргентина бўлсин, хоҳ Ўрта Шарқдаги Туркия, Миср, Урдун (Иордания)да бўлсин худди Индонезия, Малайзия каби жанубий шарқий Осиёдаги акция бозорларида юз берадиган аянчли аҳволга ўхашаш барча иқтисодий инқирозларнинг асосий сабабчисидир. Бироқ Америка ва Европа акция бозорларидағи аҳвол тараққий этаётган давлатларнинг акция бозорларидағи аҳводдан анча фарқ қилади. Бу икки уч асрдан буён мавжуд, иқтисодини мустаҳкамлаб олган. Ўз

ишларини пухта йўлга қўйган барқарор бозорлардир. Бундай барқарор бозорлардаги иш юрутувчиларнинг баъзи шаҳарларда юз минг, баъзиларида эса миллион кишини ташкил этади. Лондон ва Нью-Йорк мана шундай шаҳарлар жумласига киради, Бу бозорларнинг акцияларда акс этган бойлиги ва қимматбаҳо қоғозлари жуда катта сармоя манбаидир. Мазкур акцияларнинг қиймати номлари зикр этилган шаҳарларнинг ер, суви, завод, фабрикалари ва ҳамма турдаги барча мол-мулкнинг қийматидан баландроқдир. Акция ва қимматбаҳо қоғозларнинг сотилган ва сотиб олинган қиймати сотилган мол-мулк ва иш ҳақининг қийматидан баланд турди. Бу нарса мазкур бозорларда иш юритувчилар кўплигига, уларнинг ихтиёридаги мол-мулкнинг беададлигига қарамай, улар ўртасида рақобат келиб чиқишига, улардан биронтаси бозорга ҳукмрон бўлиб олишига ёки бошқалар ҳисобига кўпроқ фойда кўришга, бундай мўмай даромад ҳисобига бойиб, бозорнинг бир

қисмiga эгалик қилишига йўл қўймайди. Шунга қарамай бу бозорларда аралашиб юрганлар унинг барча ишларида фаолият кўрсатишади ва даромад топиш йўлларини яхши билишади. Бундай кишилар акция қийматига таъсир кўрсатиш учун акцияни сотиш ва олишни вақтини белгилаш чоратадбирларини кўришади, бунинг ўзига хос режаларини ишлаб чиқишиди. Бу нарсаларнинг ўз акцияларини айлантираётган ўзи бевосита алоқадор ширкат фаолиятига, ширкат сотаётган мол-мулк, кўрсатаётган хизматларига, олаётган фойдаларига дахли йўқ. Акцияларни муомалага киритиш тартиб-йўсинлари, иш режалари, акция бозорларида ўйлаб топилган ўзига хос усуллар, йўл-йўриқлар махсус университетлар томонидан ўрганилади. Ширкатлар уюшмасининг акцияларини, шунингдек давлат хазинаси ва ширкатларининг иқтисодини тутиб турувчи қимматбаҳо қоғозларни юргизиш бозори нафсилямрини айтганда унчалик пухта асосга эга бўлмаган,

билакс, худди ўргимчак тўридек заифдир. Чунки акцияларни юргизишига одамларни рағбатлантириш акция қийматининг мунтазам кўтарилиб боришига ишонишига, нарх кўтарилишидан мўмай даромад топишига умидвор бўлишига, яъни тамаъгирилика асосланган. Токи замин узра қуёш нур сочиб туар экан, токи инсон тирик экан тамаъ чегара билмайди. Инсоннинг нафси ҳеч нарсага қаноат қилмайди. Шунинг учун одамлар ҳар қандай қимматбаҳо қофозни фақат фийда олиш ва озми кўпми наф кўриш илинжида сотиб оладилар. Бу нарса худди мол бозорларидек бирорларнинг номидан олди-сотди қилиб, даллоллиги учун тавон олаётган даллоллик уйлари (маклерлар) борган сари такомиллашиб, оммалаштираётган нарсанинг худди ўзидир. Кутилган ёки кутилмаган бирон сабаб билан акция қийматининг ошишига ишонч йўқолгач, бозор бекарорлашади, кўпгина акциядорлар зудлик билан ўз акцияларини сотишга ва қандай бўлмасин уни харид қилаётган

пайтда күзлаган фойдасини қўлга киритишга уринадилар. Бундай одамлар, яъни акцияларидан тезроқ қутилишни кўзлаган одамларнинг сони кун сайин ортаверади. Улар кўпайган сари акцияларнинг қиймати тушаверади. Бундай инқироз худди 1929 ёки 1987 йилдагидек тўхтовсиз давом этаверади, ёхуд 1997 йил давомида бўлганидек халқаро миқёсда таҳликали, танг аҳволни келтириб чиқаради, Онгли мусулмон Фарбнинг юлғичликка асосланган иқтисодий таназзулларидан ҳасрат-надомат чекмайди, албатта. Аксинча ўз иқтисоди ва бозорларини Farb усулларига тақлидан қурган, унииг бозор иқтисоди деган соxта ниқобига ўралган фитналарига қўшилган, Farbнинг йқтисодий тараққиёт йўли фақат «очиқ бозор усули» орқали амалга оширилади, яъни ҳамма нарса мутлақо иқтисодий эркинлик орқали эришилади, деган даъволарини эътироф этган, фақат эътироф этибгина қолмай уни амалиётда тасдиқлаган Индонезия, Малайзия каби давлатларга, бошқа давлатлардаги

мусул-монларга етган моддий ва маънавий зарарларга ачиниб, ҳасрат чекадилар. Бу фарбона низомга асосланган эркин бозорлар одамларни истаса-истамаса хорижий сармояга таяниб кун кўришга мусулмон давлатларида фақат Фарб бозорларининг эҳтиёжига зарур молларни ишлаб чиқариш учун миллионлаб арzon ишчи кучи ишлатадиган Фарб ширкатларининг корхоналарини қуришга кенг йўл очиб беради. Маълумки, коммунистик мафкура таназзулга юз тутганидан бўён Америка капиталистик гоя ўзинипг энг гуллаб-яшнаган олтин даврига етганини тарғиб этишга киришган. Улар бутун дунёда фақат капиталистик фикр, яъни ўзиб-ўлармонлик, юлғичлик гоясини одамларнинг миясига сингдиришлик учун марказлашган ахборот воситаларини ишга солмоқдалар, акция бозорлари, меҳнат биржалари орқали мусулмонларга ўз манфур гояларини сингдириб, уларни бутунлай фикрларига рози қилиб кўяёт-ганликлари ачинарли ҳолдир. Фарбнинг катта акция

бозорларидаги илгари юз берган иқтисодий инқизоллар, Фарб қураётган иқтисодий түрлар нақадар заифлигини, капиталистик иқтисодий мафкура улар тарғиб қилаётганидек фазилатли бўлмай, аксинча қусурлари кўплигини, бу гояни олтин тоғга қиёслаб ҳар қанча мадҳ этмасинлар, барibir, товланишлари сохталигини фош этиб туриди. Капиталистик гояга асосланган иқтисодий фикр инсонни ҳар бир нарсага фақат манфаат нуқтai назаридан қарайдиган, маънавий тубанлаштирадиган манфур фикрdir. Чунки бундай фикр сингдирилган инсонни ҳаракатлантирувчи куч фақат манфаат бўлади. Бундай фикрга таянган жамиятларнинг асоси фақат бир нарсага - моддий манфаатга қурилган бўлади. Бу жамиятнинг аъзолари ўз эҳтиёжларини қондириш учун хоҳ ишлаб чиқариш бўлсин, хоҳ бошқа соҳаларда бўлсин, жонларини жабборга бериб меҳнат қиласилар, улар ўз ҳаётларида моддий манфаатдан бошқа нарсага мутлақо аҳамият бермайдилар. Бундай

жамиятдаги мулкдорлар табақаси қўл учida зўрга тириклик қиласидиган, ночор оммага хукмронлик қилишади. Бундай жамиятларнинг кўпчилик аҳолиси камбағал, ўзларининг энг оддий эҳтиёжларини ҳам қондиролмайдиган ночор кимсалар. Афуски, мусулмонлар ўзлари бошларидан кечираётган бу аянчли аҳвол уларга усталик билан сингдирилган капиталистик ғояларнинг оқибати эканлигини, акция бозорлари одамларни чалғитиш учун ўйлаб топилган фитна маконлари эканлигини англаб етмаяптилар. Мусулмонлар Farb бозорларида катта иқтисодий инқирозлар юз беришини кутиб ўтиришлари, фақат шу йўл билангина халқнинг аҳволи яхшиланади, дея умидвор бўлишлари дуруст эмас. Балки гарблик сармоядорлар жорий этаётган акция бозорларининг асл моҳиятларини очиб ташлашлари, исломий шариат бундай юлғичликка асосланган тижоратга рухсат бермаслигини, бизнинг динимизда бир неча одам манфаат куриши учун кўпчиликни қақшатиш

ҳаром қилинганини тушунтириш керак.  
Фарбдаги акция бозорлари капиталистик  
иқтисоднинг асоси бўлмиш учта қоидага  
биноан тараққий этади:

1. Ширкатлар уюшмасининг низоми.
2. Рибога (судхўрликка) асосланган  
банк низоми,
3. Мажбурий қофоз пул низоми.

Бу тартиб капиталистик иқтисодни  
икки турга, бозорни эса икки тоифага  
ажратишга имкон беради.

1. Амалий иқтисод. Бунда ишлаб  
чиқариш мавжуд мол ва амалий  
хизматларни бозорга солиш орқали  
амалга оширилади.
2. Молиявий иқтисод. Баъзилар уни  
текинхўр иқтисод деб ҳам аташади.  
Бу турли-туман молиявий қофозларни  
олиб, сотиш, ташаббускорлик орқали  
амалга ошириладиган иқтисоддир. Бу  
молиявий қофозлар мажбурий актлар,  
сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқига эга  
бўлган ҳужжатлар ва чеклардир,  
Булар хоҳ ширкат мулки ёки қарзи  
бадалига берилган ҳужжат бўлсин, хоҳ  
давлат қарзи ёки қўчмас мулки бўлсин,

хоҳ бирорнинг улушкини бозор нархида ёки келишилган нархда сотиш ёхуд сотиб олиш ихтиёри бўлсин, муомаладаги молиявий қофозлар тасдиқлайдиган қонуний чек ва хужжатлардир.

Буларнинг барчаси амалий иқтисодга мутлақо алоқаси йўқ нарсалардир. Сўнгги йилларда молиявий, текинхўр иқтисод мислсиз даражада ўсиб кетди. Бу иқтисоддаги муомалалар қиймати амалий иқтисоддаги мавжуд имкониятларни бир неча баробар ортда қолдириб кетди. Аммо ширкатлар уюшмасининг низоми сармоя ва амал эгалари қўшган улушларнинг маълум қисми инқирозга учраса, қарз берувчи ва ҳақдорларни амалда ҳимоя қилиш ва соҳаларда умумий молга эгалик қилиш имкониятини яратиб беради. Сабаби ширкатлар уюшмаси масъулияти чекланган ўзига хос жамиятдир. Агар ширкатлар уюшмаси инқирозга учраса, ҳақдорларнинг бойлиги қанча бўлмасин, барибир, таъсисчилардан бирор нарса талаб қилишолмайди. Ҳақдорларга

фақатгина ширкатда қолган мол-мулк тегади холос. Фарб таомилида ширкатлар уюшмасини давлат ўзи қуриб, эълон қилади, лекин таъсисчи бўлмайди. Давлат ширкатлар уюшмасининг чекини чиқаради, унинг мақсад ва вазифаларини, чиқарадиган акциялари сонини белгилаб беради. Шунинг учун ширкатлар уюшмаси ўз таъсисчиларига тобе эмас, мутлақо мустақил ташкилот. У таъсисчилар билан ҳеч нарсага келишмаган ҳолда уларга бирон имтиёз бермайди, ҳақдорлар билан эса фақат ўзига маъқул келадиган шартлар асосида муомала қилади. Шунга биноан ширкат ўз тасарруфидаги мол-мулкка масъул, таъсисчиларнинг мол-мулкига эгалик қилолмайди.

Давлат ширкатлар уюшмасини тузган пайтда, таъсисчиларни йигиб, умумий мажлис чақиради. Бу мажлисда ширкат раиси сайланади. Шу кундан эътиборан ширкат муомалада бўлиш ҳуқуқига эга қоғоз-акцияларни сота бошлайди. Акцияларни тарқатувчилар учун чекланган ҳуқуқлар жорий этади. Бу

ширкат соф фойдани тақсимлаётган пайтда хизматига яраша ширкатнинг умумий мулкидан фойдаланиш, йилда бир марта ўтадиган умумий мажлисда ўтадиган овоз бериш ҳуқуқидир. Шуни яхши билиб қўйиш керакки, бу ҳуқуқдан акциядорлар эмас, акцияни жорий этганлар манфаатдор бўлишади. Масалан, умумий мажлисда қатнашган пайтда овоз бериш одам сонига қараб эмас, акциянинг сонига қараб белгиланади. Агар бир киши муомаладаги акциянинг teng ярмига ва унга қўшимча яна битта акцияга эга бўлса, қолган акциядорлар сони юз минг нафар бўлса-да, барибир, ўша битта одам мажлиснинг кун тартибинн белгилайди, сайлаш, сайланиш ҳуқуқини елғиз ўзи ҳал қиласди, қолган юз минг кишининг овози ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Кўпинча самоядорларга бирон ширкатга ҳукмрон бўлиш учун акциясининг ярмидан кўпини сотиб олиш шарт эмас. Кўпинча ширкатнинг ҳайъат аъзоларини сайлаш, сўнг акциядорларнинг ҳамма мол-мулкига

эгалик қилиш ва ширкатнинг жиловини қўлга олиш учун йирик акциядорлар ўзаро тил биритириб, майда акциядорларни тарқатиб юборадилар. Буинг учун атиги беш ёки ўн фоиз акцияни сотиб олиш кифоя. Бу деярли ҳамма жойда жорий этилган усулдир. Оқибатда кўпчилик акциядорлар ширкатдаги ўз молларига эгалик қилиш хукуқидан маҳрум бўладилар. Уларнинг бозорларда ширкат акцияларини сотиш ва сотиб олишдан бошқа бирон имтиёzlари қолмайди. Бу ҳол уларни ширкатга шерик эмас, балки бозорларда ширкатнинг сотадиган ва сотиб оладиган хужжатларини расмийлаштирадиган гумашталарга айлантириб қўяди. Акциялар бозори йирик акциядорларга ўзлари ҳукмрон бўлиб турган ширкатнинг акцияларини ҳеч кимдан рухсат олмай ва кўнгли тусаган иши ҳақида бировга ҳисоб бермай бемалол сотиш имтиёзини беради. Айни вақтда ўзи бошқараётган ширкатнинг ишлари учун ҳеч кимга ҳисоб бермаслик хукуқини ҳам беради. Шунингдек йирик

акциядорлар ўз ширкати ёки бошқа ширкатларнинг акцияларини истаганча сотиб олиш учун бирордан изн сўрашга мажбур эмаслар. Улар фақатгина ўз фойдасини кўзлаб акцияларни сотиб олиши, уни ўзи истагандек тасаруф қилиши мумкин. Агар ўзлари хукмронлик қилаётган ширкат акцияларининг нархи ошса, акцияларнинг маълум қисмини ёки ҳаммасини сотиши, аксинча акцияларнинг нархи тушиб кетса, ҳаммасини қайтадан харид қилиши мумкин. Демак, йирик акциядорларнинг ширкатга ва ширкатдаги шерикларига ёки ширкатда хизмат қилувчиларга ҳеч қандай ҳомийлик ҳиссиёти йўқ. Аксинча, бирон ширкатнинг хукмронлигини қўлга киритган йирик сармоядорларнинг истаклари фақатгина ширкат акцияларининг нархини кўтариш, шу усул билан ишларни йўлга қўйиб, ҳаммага таъсирини ўтказишдан иборат. Буларнинг барчаси акциялар бозорини ва бошқа молиявий қоғозларни амалий иқтисоддан, ўз акцияси билан

иш юритаётган ширкатнинг ҳаётдан узилиб қолишига сабаб бўлади. Бунинг устига-устак акция бозорларида хизмат қилувчилар бирор ширкатнинг акцияси қадрсизланиши ёки нархи ошиб кетишига бевосита сабаб бўлишлари ҳам юқоридаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Акция бозорларида акция қийматининг ошиши еки тушишидан келиб чиқадиган меъёр нисбати бор. Бу нисбат битта акцияга бериладиган йиллик фойданинг акциянинг ўша пайтдаги баҳосига нисбатидир. Масалан, акциядан келадиган соф фойда икки доллар бўлса ва акциянинг бозор баҳоси 40 доллар ҳисобланса, нисбат 20 доллар бўлади. Бошқача ибора билан айтганда ширкатнинг фойдаси акция баҳосининг юздан беш фоизини ташкил этади. Вақтли матбуот ҳар куни ўз акциялари билан иш юритаётган ширкатларнинг ўша нисбатини хабар қилиб туради.

Бу нисбатлар бир-бирига солиштирилганда улар ўртасида катта тафовут борлиги маълум бўлади. Баъзан бу нисбат айрим ширкатларга нисбатан

юз фоизга ошиб кетади, баъзи ширкатларга нисбатан эса беш фоизга тушиб қолади. Бу ҳол молиявий қофоз бозорлари билан амалий иқтисод ва ширкатлар билан ўзаро муомалада катта фарқ борлигини исботлайди ва акция бозорлари катта қиморхонага айлантирилганидан далолат беради. Айни вақтда бу нарса акция бозорларида ҳукм сурадигай рақобат ва мунтазам такрорланиб турадиган кескин ўзгаришлар бозор табиатидан келиб чиқишини тасдиқлайди, Бу ширкатлар уюшмасининг фаолиятига тааллуқли гаплардир.

Банкларнинг рибо (судхўрлик) низоми эса капиталистик иқтисоддаги оғатнинг бошидир. Чунки бу низомга биноан банклар одамларнинг мол-мулкини йифишга, бу бойлиқдан худди ўз молидек фойдаланишга ва ўз қўлига жамланган бирорларнинг мулкини бемалол йирик сармояларга, амалдорларга, акция бозорларига қарзга бераверадилар. Ҳатто омонатга пул кўйганларнинг ўзлари ҳам ўз пулларини

қарзга берадилар. Карз бериб топилган рибони, яъни ҳаром пулни қонуний йўл билан ҳалол деб олишга имкон яратадилар. Лекин одамларнинг банкда жамланган молларини қонуний йўл билан қарзга бериш ҳаммага teng татбиқ этилмайди. Банк эгалари йирик сармоядорларга ва уларнинг ширкатларига ўсими кам қарз олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берадилар. Аввало банк эгаларининг ўзлари, йирик сармоядорлар, катта амалдорлар қарз олишда ҳам, қарзини тўлашда ҳам ҳеч қандай тўсиқقا учрамайдилар. Бирон хавф-хатарга чалинмайди. Уларга берилган имтиёзлар қонуний ҳужжатлар орқали кафолатланиб, расмийлаштирилган бўлади. Улардан кейин майда амалдорлар ўз мавқеларига яраша имтиёзлардан фойдаланадилар. Улардан кейингина оммага навбат келади. Рибо қийматининг тафовути қарз беришдаги бундай табақалашга жонли мисол бўла олади. Бундай тафовут ҳозир Америкадаги йирик мулкдорларга ва

нуфузли ширкатларга қарз беришда юзга беш фоиз тарзида ўз ифодасини топган. Оддий фуқарога машина сотиб олиш учун юзниңг йигирма фоизи миқдорида қарз берилади. Бундан, шундай хулоса чиқариш мумкинки, рибога асосланган низом кўпчиликнинг молини бир гурӯҳ одамларнинг қулида жамланишига тўла шароит яратиб беради. Банкларнинг акция бозорларидаги фаолияти амалий иқтисоддаги фаолиятдан хавфлироқdir. Чунки банк акция билан иш юритувчиларга ўз тасарруфидаги молнинг катта қисмини сотиб олишга шароит яратиш учун қарз беради. Масалан, бозорда баҳоси юз доллар турадиган акцияни сотиб олаш учун ўзида атига беш доллар бўлгани ҳолда 95 долларни банкдан ёки банкдан қарзга кўтарган броккер (даллол)лардан қарзга олади. Бу нарса акция бозорида иш юритувчи шахс ўз сармоясига сотиб олиши мумкин бўғанидан кўра 20 марта кўпроқ акция харид килиши мумкинлигини исботлайди. Лекин банклар бу даражадаги қарзни

фақатгина катта мулк әгаларига беради холос. Бу тадбир банкнинг ёрдами билан катта мулк әгаларининг бозордаги нуфузлари ошишига, шунингдек бозорга ўз таъсирини ўтказишига, нарх-навонинг кўтарилишига ёки тушишига тўла фармонбардорлик қилишларига шароит яратиб беради. Бу усул топган-тутганини омонат қўювчилар ва банк билан доимо муомалада бўлувчилар ҳисобига бир гурух одамларнинг бойишими таъминланишини тўла исботлайди. Акция сотиб оловчиларнинг кўпчилиги қарз бериш ва акциялар қийматининг ўсиш нисбати эвазига бойишади. Акциялар қийматининг кескин тушиши кўпинча нарх-навонинг тушиб кетишига олиб келади. Масалан, банк бирон акциядорга у сотиб олишни истаган акция қийматининг 90 фоизини қарзга беришга рози бўлса ва у киши бир миллион долларлик акция сотиб олса, унинг банкдан қарзи 900.000 долларни ташкил этади. Агар акциянинг қиймати 20 фоизга тушиб кетди деб фараз қилсак, олинган акциянинг қиймати

800.000 бўлиб қолади. Қарзга олинган 800.000 долларнинг 20 фоизи 160.000 доллар бўлади ва қарз учун банкка 180.000 доллар тўлаш керак. Агар банкдан олинган қарзини тўлашга имкони бўлса мулқор ўз акцияларни сотиши шарт эмас. Бордию, қўли қисқалик қилса, акцияларни сотишга мажбур бўлади. Бу ҳол акциялар қийматининг тушишига сабаб бўлиши турган гап. Агар бир неча акциядор мана шундай аҳволга тушса, нарх-наво кескин пасайишига, бозорда беқарорлик юзага келишига сабаб бўлади. Шу сабабли акция бозоридаги банкларнинг рибога асосланган хизмати муомаладаги акцияларнинг нархи кўтарилиб тушишига қараб ўзгариб туради. Муайян акциянинг қиймати ошган пайтда банк ўз акциядорларига қарзга катта-катта молларни таклиф қиласи. Бу моллар акциядорларнинг банкка қўйган маблагидан бир неча баробар кўп бўлиши ҳам мумкин. Акциядорлар бундай қулай фурсатдан фойдаланиб, имкони борича кўпроқ акция харид

килишга интилади, оқибатда яна акцияларнинг нархи оша бошлайди. Бир куннинг ўзида нарх-наво бир неча марта ўзгариб туриши ҳам мумкин. Баъзан муайян акциянинг қиймати ҳеч қандай сабабсиз, шов-шувсиз худди режалаштириб қўйилгандек бир меъёрда пасайиб кетавериши ҳам мумкин. Бундай вазиятда банклар берган қарзларига гаров варақасини ўтовчи акцияларининг қийматини пасайиши биланоқ қарз беришни кескин камайтиради. Шошиб қолган акциядор қўлидаги акцияларнинг бир қисмини ёки ҳаммасини бирваракайига сотишга тушади. Бундай аҳвол акциялар қийматининг тушиб кетишини янада жадаллаштиради. Акциялар қийматининг муттасил тушиб боравериши банкларнинг ўз мижозлари билан муомала фаолиятини фалаж аҳволга солиб қўяди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилиши табиий. Банк бундай вазиятда тасарруфидаги молларни қаердан олади ва қарзларини маълум миқдорда бойлигини нималарга

ишлатади? Бунинг жавоби оддий. Анвало бу бойлик омонат қўювчиларнинг мулкидир. Рибо билан кун кўрувчи банклар мулкининг асосий қисмини банкда сақловчиларга, банкда очилган ҳисоб шу банкни ёки банкни ҳисобига қўшилмаслигига суянади. Мулкнинг кўп қисми банк тасарруфида бўлади. Банк қарзга берадиган нарса бирон нарсадан орттириб берадиган нақд мол эмас, балки қатъий ҳисобдаги молдир. Банк қарз олувчи учун иккита ҳисоб усули билан бу ҳисобни тузади. Бу ҳисоб рақамининг бири мижознинг бўйнидаги қарз учун, иккинчиси эса ундирилган қарздан ҳосил бўладиган даромад учун очилади. Қарздор мана шу иккинчи ҳисоб рақамидан ўзи билан банк ўртасидаги муомалани билиб олади. Агар пул қўювчилар билан қарз олувчилар банкка баробар келишса, ҳар иккала тоифа одам ҳам ҳеч нарса ололмайди. Чунки бу омонатларнинг маълум қисми зиёнга учраган, маълум қисми эса бошқа банкларга қарзга берилган бўлади. Кўпинча банклар

қарзларини ундира олмай мижозлари олдида юзи шувит бўлади ва аксар ҳолларда инқирозга учраб ёпилади.

Банкларнинг рибога асосланган низоми ўзаро ишончга, мижозларнинг банкдаги омонатлари дахлсиз сақланишига, мулк эгаси ўз омонатини истаган пайтда тўлалигича олиш хуқуқига эгалигига асосланган албатта. Бироқ бу ўзаро ишонч банк фаолиятининг моҳиятига зид келувчи алдовдан бошқа нарса эмас. Бу сир Farbda ва бошқа хорижий давлатлардаги банкларда мижозлар ўз омонатларини олишолмай талай нарсага кўйгай пайтларида фош бўлган. Гарчанд бу аҳзол тез-тез такрорланиб турса-да, банклар инқирозга учраган ёки бутунлай ёпилган пайтларида бу ҳақда ломмим дейилмайди. Бундай вазиятдан чиқиб кетиш учун Farb мажбурий қоғоз пул воситасини ўйлаб топди. Пул муомаласини изчил назорат қилиб туриш учун маълум шаҳар ёки мамлакатдаги банкларни битта марказий банкка бўйсиндириди. Бу ишлар банкнинг

рибога асосланган иллатларини, мижоз билан муомаласи фақат алдам-қалдамга қурилганини яшириш, банкни банкротдан асраш ва одамларнинг капиталистик ҳаёт тарзига ишончини сўндириб қўймаслик учун қилинади. Мажбурий қофоз пул марказий банкка аслида ҳеч қандай қадр-қиймати йўқ қофоз пул чиқариб, одамларни шу бир парча қофознинг ҳақини адо этишга мажбур қилиш имтиёзини берди. Агар бирон киши қарзини ундираётгандা шу пулларни олишдан бош тортса, қонун ва суд уни шу пулларни олишга мажбур қиласди, акс ҳолда унинг ҳақини бекор қиласди. Демак марказий банкка давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этяпти, деган баҳона билан ҳаводан бойлик топиш имкониятини бериш демакдир. Бунинг маъноси шуки, агар давлат хазинасида солиқ ва бошқа тўловлардан ўигилган маблағ қолмаса, у дарров марказий банкка мурожаат қиласди ва керагича қарз олади. Марказий банк ўз сарф-харажатини чиқариб оладиган шарт билан давлатга омонат ҳисоб рақамини

очади. Давлатга берилган бу қарз банкнинг маблағи бўлади. Агар марказий банк бирон ташкилотга кўп миқдорда қарз бериш зарур бўлиб колса, давлат қарзниңг васиқа-векселларини ёки бирон ширкат векселларини сотиб олади. Сотиб олинган векселларнинг қийматини шу векселларнинг ўзи билан ёки уларни сотиб олувчига расмийлаштириб қўяди. Бу ҳам банкнинг маблағи бўлади. Бунга 1987 йили октябр ойида Нью-Йоркда содир бўлган ҳодиса, яъни акцияларнинг қиймати бир кунда 22 фоиз тушгани ёрқин мисол бўла олади. Американинг марказий банки зудлик билан катта миқдорда маблағ тўлади. Бу пулларни ақл бовар қилмайдиган бўхроннинг изларини хаспўшлашга сарфлади ва бу ишга қўл остидаги барча банкларни сафарбар этди. Марказий банк бозордан ва турли банклардан бир миллиард долларлик қарз векселларини сотиб олди. Бу векселларнинг пулини қарз беришга, акция бозорларидағи олибсолтарларнинг мушкул аҳволларини

енгиллатиш учун сарф этди. Шу билан марказий банк маълум вақт ўзининг судхўрликка асосланган кирдикорларини яши-ришга муваффақ бўлди. Чунки бутун мамлакатда Нью-Йоркдаги энг катта банк танг ахволга тушиб қолибди, у бугунми, эртами ёпилиш арафасида турган экан, деган миш-мишлар тарқала бошлаган эди. Бундай вазиятда қоғоз пулни босиб чиқаравериш билан маблағ асосини мустаҳкамлаб бўлмайди. Бундай сарф-харажатларни давлат ва ўз мижозлари ҳисобига ёзиб қўйиш халқа жуда катта кулфат келтиради. Марказий банкнинг ўз маблагини яратиш учун муомаладаги пулнинг сонини кўпайтириши пулнинг курси тушиб кетишига сабаб бўлади. Судхўрлик ва алдам-қалдамга асосланган бундай иш услуги эҳтиёжга яраша маблағ ва хизмат сарф-харажатларнинг муттасил ошиб боришидан норозиликларни келтириб чиқаради. Нарх-наводаги бу хил воқеани баъзилар қадрсизланиш, яъни инфиляция деб аташади. Инфиляция бу одамларнинг қўлидаги

пуллари ва маошларининг қиймати пасайишидир. Лекин юқоридаги мисолда асосий айб «ишонтириш ўйинига», яъни қоғоз пулнинг қадри бор, деган алдовдан иборат. Ваҳоланки, бу қоғоз пулнинг аслида ҳеч қандай қадр-қиймати йўқ. Лекин давлат уни қонун воситаси билан қадрли деб жорий қилган. Ҳар қандай тўлов воситасини шу қоғоз пул орқали амалга ошириш хуқуқини берган. Ҳали иқтисодий жиҳатдан ўзини мустаҳкамлаб ололмаган давлатларда сиёсий вазият бекарор бўлгани учун мазкур тузумнинг ўз ҳалқи олдида ҳам, ҳалқаро миқёсда ҳам нуфузи бўлмайди. Табиийки унинг пули ҳам ҳеч қандай қадр-қийматга эга эмас. Бундай давлатларнинг раҳбарлари «ишонтириш ўйинига», яъни одамларни лақиллатиш ўйинига қўшилиб, ўз қоғоз пулларининг қадр-қиймати борлигига одамларни ишонтиришга ҳаракат қиласилар. Бироқ кўпинча хорижий пул бирлиги олдида ўз пулларининг қадрини ерга уриб юбоганларини ўзлари ҳам билмай қоладилар. Бу ҳолат Фарбдаги ва Фарбга

тақлидан йўл тутган кўпгина давлатларнинг акция бозорларида кузатилаётган кундалик аҳволдир. Бу бозорлар йирик сармоядорларнинг ҳаракат майдонидир. Чунки бу бозорда одамларга наф берадиган бирон нарса ишлаб чиқарилмайди. Кўпчиликни бу бозорларга жалб этадиган нарса осон йўллар билан мўмай даромад топишdir. Бундай бозорлар фаолиятини фақатгина қиморхонага қиёслаш мумкин. Бундай бозорлар бамисоли ўргимчак тўрларидек ҳаммани ўзининг тўрига илинтиришга уринади. Уларнииг асоси пуч, мақсадлари юлгучлик, юритаётган сиёсатлари беқарор. Бу бозорнинг эгалари бойлик топиш учун итдек бир-бирларини ғажиб ташлашга тайёр. Агар ширкатлар уюшмаси, банкнинг судхўрликка асосланган низоми ҳамда мажбурий қоғоз пул жорий этилмаганида, қандай йўл билан бўлмасин пул топиш керак деган капиталистик ақида устивор бўлмаганида бундай текинхўрлар бозорига умуман эҳтиёж йўқ эди ва

бугунги кунда улар миллионлаб софдил одамларни лақиллатолмас эди. Ағсуски, Фарбдаги ва Фарбга тақлид қилган мамлакатлардаги иқтисодий аҳвол айнан шундайдир.

Бу хусусда Ислом динининг шаръий хукми қўйидагичадир:

Ширкатлар уюшмасининг низоми фақатгина ширкатлар уюшмаси учун хос бўлган масъулияти чекланган деган имтиёзни беради. Агар ширкат ўз иш фаолиятида муваффақиятсизликка учраса ва моддий зарар кўрса, сармоядор ва ширкат раҳбарларини маблағ эгалари ва бошқа фаолиятга қўшилган ҳақдорлардан ҳимоя қиласди. Ширкатлар уюшмасида ҳақдорлар ўзларининг таъсисчиларидан бирор нарса талаб қилишга ҳаққи йўқ. Таъсисчиларнинг бойлиги қанча бўлмасин, ҳақдорлар фақат ихтиёрида қолган мол-мулқдан улуш олиши мумкинолос. Бундай низом шариат аҳкомларига мутлақо зиддир. Шариат ҳақдорларга ўз ҳақларини сира камайтиrmасдан беришни хукм қиласди.

Уларнинг ҳақларидан бирон нарса юлиб қолиш мумкин эмас. Буюк муҳаддис Исмоил Бухорий Абу Ҳурайра ~~из~~дан ривоят қиласиди, Расулulloҳ ~~из~~ айтган эдиларки: «Кимки бироннинг унинг ҳақини адо этиш ниятида олса, Аллоҳ унинг бироннинг молига талофат етказиш қасдида олса, Аллоҳ у кишига талофот етказади».

Имом Аҳмад Абу Ҳурайра ~~из~~дан ривоят қиласиди: Расулulloҳ ~~из~~ айтдиларки: «Сизлар қиёмат куни ўз аҳлига қараб албатта ҳамманинг ҳаққини адо қиласизлар. Ҳатто шохдор қўйидан қасос олиб берилади».

Расулulloҳ ~~из~~ бу дунёда биронларнинг ҳақларини комил адо этиш вожиблигини таъкидлаб шундай деганлар: «Кимки бу дунёда биронларнинг ҳақини адо қилмаса, қиёмат куни албатта адо қиласи».

Бу биронларнинг ҳақини бемалол еб

кетаверадиганлар учун қаттиқ огохлантириш, ҳатто таҳдиддир.

Аллоҳ Таоло байни чўзиши, қарзни вақтида тўлашни кечиктириб юриши зулм деб эълон қилди.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра ~~рӯз~~дан ривоят қиласи: Расулulloҳ ~~нам~~ айтадиларки: «Байни чўзиши зулмдир. Агар бироннинг ҳақини адо қилмаслик зулм бўлса, бироннинг ҳақини еб кетиш ва қарзни тўламаслик оғир зулм ва қаттиқ уқубатга лойиқдир. Инсонларнинг энг яхиси ҳақларини вақтида адо этадиганларидир». Шунинг учун ҳақдор ва мулк эгаларига ширкатлар уюшмаси синганидан кейин ёки қарзларини қайтараётганида уларнинг ҳақларидан чегириб қолиши ёки фақат ширкатлар уюшмасида қолган мол-мулкнинг ўзи билангина ҳисобкитоб қилиши ҳаром. Уларга ўз ҳақлари ва қарзларини тўла-тўқис беришлари, таъсисчилар улушларини ҳам асло камайтирмасдан тўлиқ қайтаришлари вожибdir. Бу ширкатлар уюшмасининг

низомини уюшмани масъулияти чекланган ташкилотга айлантириб олганига нисбатан чиқарилган ҳукмдир. Бироқ ширкатлар уюшмасининг Исломдаги шаръий ҳукмга хилоф ташкилот эканлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Уларнинг ўз таъбирича ширкатлар уюшмаси икки ёки ундан кўп шахснинг ҳар бири давр тақозоси билан маълум мақсад ва лойиҳага асосланган ҳолда фойда ва зарарни teng тақсимлаш шарти билан ўртага маблаг ташлаб иш юритадиган ташкилотдир.

Уларнинг бу таърифларидан ва ширкатлар уюшмасининг иш юритиш тартибидан шу нарса маълум бўладики, сиртдан қараганда ширкатлар уюшмаси шаръий ҳукмга мувофиқ келадиган икки ёки ундан кўп кишиларнинг ўзаро битишивига асосан иш юритувчи ташкилотдир. Чунки шаръий аҳд икки томон ўртасидаги ўзаро келишув ва розилик билан амалга оширилмоғи лозим. Бир томон мен сенга шерик бўлдим, дейиши билан аҳдлашув таклиф

қилади ва шерикчилик шартларини ўз зиммасига олади. Иккинчи тараф бу таклифни қабул қилдим ёки бу таклифга розиман, дейиши билан бу масъулиятни ўз зиммасига олади. Агар аҳдлашув икки томоннинг розилиги ёки кўпчиликнинг маслаҳат кенгashi билан бўлмаса, хуқуқий кучга эга эмас ва бу нарса шаръий аҳдлашув деб аталмайди. Ширкатлар уюшмасидаги шерикчилик эса акцияларни ширкатнинг ўзидан ёки олдинроқ харид қилган кишидан сотиб олиш орқали амалга оширилади. Ширкатлар уюшмасида ҳеч қандай масала хусусида на бирон аъзоси, на таъсисчилари билан келишиб иш юритилмайди. Бу ерда фақат қўпроқ акцияга эга бўлган одамнинг ҳукми ўтади холос.

Ширкатлар уюшмасини қурган, уни ўз таъсисчиларига бўйсинмайдиган ташкилотга айлантирган - давлатдир. Бундай ташкилот давлатнинг чизган чизигидан чиқмайди, ўзича мустақил иш юритолмайди. Аммо ширкатлар уюшмасини қурган таъсисчилар

масаласига келсак, уларнинг иттифоқи фақат ўзаро бирлашиб, муайян ширкатни қуриш учун давлатга ўз тақлиф ва лойиҳаларини тақдим этишлари мумкин холос. Агар ширкатни қуриш ҳақида давлатнинг қарори чиқсагина у фаолият кўрсата олади. Бу ишда шу нарса ойдин бўладики, бу ширкатни қуришда на икки тарафнинг аҳду паймони, на кўпчиликнинг маслаҳат кенгashi бор. Бу ташкилотда акция сотиб олган ҳар бир таъсисчи ўз-ўзидан шерикка айланади ва энди таъсисчи бўлмай қолади. Ширкатлар уюшмаси икки киши ёки бир неча одам ўртасидаги иттифоқ эмас, биттагина сармоядор одам ҳукмонлик қиладиган ташкилот. Ширкатда шерик бўлиш ёки бўлмаслигини фақат мана шу биргина кишининг хоҳиш-иродаси ҳал қиласди. Ширкатлар уюшмасининг акциясини сотиб олган киши ўз-ўзидан бу ташкилотга аъзо бўлади, яъни шерик ҳисобланади, асло таъсисчи эмас.

Фарbdаги ҳуқуқшунослар бундай иш юритиш тартибини гарчанд у бир

кишининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлсада, барибир, кўпчиликнинг иттифоқига асосланган, кўп овозли уюшма деб таъвил қиласидар. Бундай иш тутиш тартиби Farb оламида якка шахс иродаси билан ҳам иш юритиш мумкин деган ақидага мос келаверади. Чунки бир киши барибир бошқа одамларнинг, қолаверса, кўлчилик омманинг манфаатини кўзлаб хизмат қиласи, деган ғояга суюнадилар. Лекин бир кишининг фикри иккинчи бир одамнинг, ҳатто кўпчиликнинг хоҳиш-истакларига мос келиш-келмаслиги мутлақо аҳамиятсизdir. Шунга биноан ширкатлар уюшмасининг аҳдлашуви шаръан ботилдир. Чунки шаръан аҳдлашув шериклардан бирининг фикрини бошқалар қабул қилишига ва бу келишув иш фаолиятида ўз ифодасини топишига боғлиқdir. Ширкатлар уюшмасининг аҳдлашувида эса бу нарсага амал қилинмайди. Ширкатлар уюшмасининг бундай иш йўсими Исломдаги шерикчилик тартибига мутлақо хилофдир. Чунки

Исломдаги шерикчилик икки ёки бир неча кишининг ўзаро келишган ҳолда маблағ қўшиб, иш юритишга, фойда-заарга teng шерик бўлишга аҳдлашиб тузилган иттифоқdir. Исломий шерикчиликда фақат бир томоннинг манфаатини кўзлаб келишиш мумкин эмас, балки ҳамма шерикларнинг баробар бир қарорга келиши асосида иш юритилади. Исломий аҳдлашууда фойда топиш учун бор имкониятлар teng сафарбар этилади. Бундай шерикчиликда фақат иштирокчи бўлишнинг ўзигина кифоя қилмайди, балки ҳар бир аъзо ўзига яраша бирон вазифани адо этади: бирор мол-мулки билан, бирор саъй-ҳаракати билан, бирор ақл-заковати билан хизмат қиласди. Икки киши келишиб қилган ҳар қандай ишни адо этиш лозим бўлган барча юмушларни teng бажариш зарурдир. Исломий шерикчиликнинг ҳар қандай кўринишида ҳам одамнинг ўзи иштирок этиши шарт деб ҳисобланади. Бу шартга риоя қилиш бирон мақсад билан шерикчилик қилишнинг асоси ҳисобланади. Агар иш

юритувчи икки одам топилса, шерикчилик аҳди тузилади, топилмаса шерикчилик аҳдига ҳожат қолмайди.

Бундан маълум бўладики, ширкатлар уюшмасида шерикчилик аҳдлашувига риоя қилиш лозим бўлган шартлар етишмайди. Чунки ширкатлар уюшмасига йиғилган кишилар бу ишга фақат моли билангина қўшилган кишилардир, бу фаолиятда уларнинг ўзлари иштирок этишмайди. Ваҳоланки, шерикчилик билан ширкат тузишда ҳар бир иштирокчининг бевосита ўзи қатнашиши шарт. Ширкатлар уюшмасида шерикчилик фақат маблағ ва мол-мулк орқали рўёбга чиқарилади. Тўғри, бу ҳолда ҳам ширкат ўз вазифларини адo этаверади. Лекин фақат маблағи билангина шерик бўлган одам шаръян ширкатнинг ишларига аралashiшга ва тенг ҳуқуқли шерик сифатида саъй-ҳаракат қилишга ҳақли эмас. Сабаби, ширкатни бошқариш ва иш юритиш ҳуқуқлари қатъиян чеклангандир. Чунки ширкатлар уюшмасидаги шерикчилик одамларнинг

иттифоқи эмас, балки мулк шерикчилигидир: ким кўп акцияга эга бўлса, кўпроқ овозга эга, кам акция эгаси эса кам овозга эга бўлади. Фарбликларнинг удумига биноан ширкатлар уюшмасини бошқариш фақатгина бир одамнинг шахсиятига боғлиқ қилиб қўйилади, яъни ким сармоядор бўлса, ўшанинг хоҳиш-иродаси қолганлар учун қонун.

Ваҳоланки, бирон ташкилотни бошқариш ҳуқуқи бу ишга лаёқати бор, ҳар томонлама шаклланган одамга топширилиши керак. Бундай шартга амал қилинмаган ҳар қандай бошқарув усули шаръян ботилдир, Бошқарув ишини фақатгина моддий ва маънавий жиҳатдан ҳақли одамга топшириб қўйиш, иқтидорли одамларни четлаб ўтиш мазкур ташкилот учун ҳам, жамият учун ҳам заарлидир. Бу ҳукмга амал қилмагани учун ҳам ширкатлар уюшмаси шаръян ботил ташкилотдир. Бу ширкатлар уюшмасининг қурилмасига тааллуқли фикр. Энди ширкатлар уюшмасининг акциялари

хақида ҳам қисқача тұхталиб ўтиш жоиз. Ширкатлар уюшмасынинг акциялари уни сотиб олиш ёки қийматини белгилаш вақтида ширкатдан күрадиган фойдасини акс эттиручи хуқуқий ҳужжатдир. Ширкатлар уюшмаси қурилаётганда, олдин унинг дастмояси жамланмайды, балки унинг бор бойлиги фақат акциядан иборат бўлади. Акциялар ширкатнинг дастмояси эмас, акцияларнинг қиймати собит эмас, балки ширкатнинг фойдасига ёки зарар кўришига қараб ўзгариб туради. Акцияларнинг қиймати ҳам муқим эмас, балки мудом ўзгарувчандир. Бундай акцияларни ва қарз васиқаларини (векселларини) сотиш, сотиб олиш шаръан ҳаромдир. Сабаби, акциялар шаръан ботил ширкатлар уюшмасини акцияларидир. Бу акциялар ёлғон аҳду паймонга, фирром муомалага асосланиб, ҳалол дастмоя билан ҳаром фойданы ўз ичига олган қимматбаҳо қофозлардир. Бундай қофозлар ботил ширкатдаги мавжуд маблағдан келган фойдага қараб баҳоланадиган ҳужжатлардир. Бундай

ширкатларнинг мавжуд нарсалари шариат қайтарган йўллар билан топилган бўлиб, уларни сотиш ҳам, сотиб олиш ҳам, ҳатто бундай ташкилотлар билан муомала қилиш ҳам дуруст эмас, чунки уларнинг мол-мулки ҳам, топган-тутгани ҳам ҳаром ҳисобига киради. Судхўрлик билан пул топиб, сармоядорлик қиласидаган қарз васиқалари ва банк акциялари ҳам шу ҳукмга биноан ҳаромдир. Чунки бундай қоғозлар ҳаромдан топилган маблағ ҳисобига жорий этилган. Бас шундай экан, бундай қоғозларни сотиб олиш, улардан фойдаланиш, бундай қоғозлар орқали эгалик қилиш мумкин бўлган мол ҳам ҳаром бўлади. Бу ҳукм ширкатлар уюшмасига, унинг низомига, у чиқарга акцияларга бирдек дахлдор. Аммо капиталистик дунёқараш ва у жойларда ҳукмрон бўлган иқтисоддаги балонинг асоси бўлгай судхўрлиқдан топилган маблағ масаласига келсак, рибонинг даражаси қанчалик оз ёки кўп бўлишидан қатъ назар Ислом дини уни бутунлай ҳаром қилган. Рибо орқали

топилган мол-мулк мутлақо ҳаром, бирон киши ундан фойдаланиши у ёқда турсин, ҳатто әгалик қилишга ҳам ҳақи йўқ. Агар әгалари топилса, бундай мол-мулк уларга қайтариб берилади. Рибодан нафратланишнинг сабаби шундаки, Аллоҳ Таоло рибони истовчиларни жин чалган кишилар деб атаган.

الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الْرِّبَوْا لَا يَقُولُونَ إِلَّا كَمَا  
يَقُومُ الَّذِي بَنَخَبَطُهُ الشَّيْطَنُ مِنَ الْمَسِّ ذَلِكَ  
بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الْرِّبَوْا وَأَحَلَ اللَّهُ الْبَيْعَ  
وَحَرَمَ الْرِّبَوْا فَمَنْ جَاءَهُ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّهِ فَأَنْتَهَى  
فَلَهُمْ مَا سَلَفَ وَأَمْرُهُ إِلَى اللَّهِ وَمَنْ عَادَ فَأُولَئِكَ  
أَصْحَابُ الْنَّارِ هُمْ فِيهَا حَلِيدُونَ

— „Рибони егувчи кимсалар қиёмат қуни қабрларидан худди жин чалган кишилардек турадилар, чунки улар савдо ҳам худди рибо, судхўрликнинг

ўзгинаси-ку, деганларидир. Аллоҳ Таоло савдони ҳалол, рибони ҳаром қилди. Кимга роббиси тарафидан панд-насиҳат етса ва рибодан тийилса, у ҳолда аввал қилган ишлари ўзига тан ва унинг ҳукми Аллоҳга топширилур, яъни истаса кечирап. Ба кимки яна рибога қайтса, улар жаҳаннам эгаларидир ва у ерда абадий қолажакдирлар". [2:275]

Судхўрлик бутунлай ҳаромлиги сабабли Аллоҳ Таоло рибо егувчиларга уруш эълон қилди. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

يَتَائِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَتَقْوَ اللَّهَ وَذَرُوا مَا يَقَرَ  
مِنَ الْرِّبَوْا إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿٤٦﴾ فَإِنْ لَمْ تَفْعُلُوا  
فَأَدَنُوا بِحَرَبٍ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِنْ تُبْشِّرَ فَلَكُمْ  
رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ

— „Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқинг! Агар мўмин бўлсангиз рибодан қолган сарқитларни

*ташланг. Агар бундай қилмасанғиз  
Аллоҳ ва унинг расули томонидан  
бўладиган урушга тайёр бўлинг. Агар  
тавба қилсанғиз, топганингиз  
ўзингизгадир, золим ва мазлум  
бўлмагайсизлар", [2:278-279]*

Мажбурий қоғоз пул масаласига  
келсақ, инсонлар ўз хизматлари ва  
сарфлаган куч-куватлари учун ҳақ  
олишга восита қилишга келишган  
нарсадир. Хоҳ у маъдан, хоҳ қоғоз  
шаклида бўлсин, мол-мулк, сарфланган  
мехнат, ақл-заковат ҳосиласи  
баҳоланадиган ўлчов воситасидир.  
Бундай тартиб-қоида Исломдан аввалги  
замонларда ҳам ҳукм сурган. Расулуллоҳ  
(Саллал-лоҳу алайҳи ва олиҳи ва  
саллам) замонларида динор ва дирҳам  
шаклида муомалага киритилди. Барча  
моддий ва ақлий хизматларнинг ҳақи  
мана шу пул бирлиги орқали баҳоланди.  
Биринчи жаҳон уруши арафасигача  
бутун дунёда олтин ва кумуш пул  
бирлиги сифатида ишлатиларди.  
Урушдан кейин бу маъданлардан қисман  
фойдаланадиган бўлинди. Кейинчалик

олтин ва кумушдан фойдаланиш астасекин истемолдан чиқа бошлади. 1971 йил 15 июлда долларни олтин билан қоплаш ва унинг қийматини сабит тутиб туришни талаб қылган қонуншунос Кози Ведз ва Бритедиларнинг низоми бекор қилинди. Шу сабабли қоғоз пуллар жорий қилинди. Бу пуллар олтин ва кумуш ўрнига ўтмайдиган, ўз ҳолича ҳеч қандай қадр-қиймати йўқ бир парча қоғозга айланди. Бундан қатъи назар бу пуллар ўзаро муомала учун восита бирлиги қилиб белгиланган. Бу нарса қонун билан муҳофазаланган. Қоғоз пулга эгалик қилувчи давлат ўз мавқеини ва иқтисодини мустаҳкамлаш учун ундан бир восита сифатида фойдаланади. Давлатлар ўз манфаатини кўзлаб иқтисод оламида турли найрангларни ўйлаб топишади ва пул бекарорлигини, иқтисодий ташвишларни келтириб чиқаришади. Пулни қадрсизлантириш учун қоғоз пулларни босиб чиқаришни атайлаб кўпайтиришади. Бу нарса пулнинг курси тушиб кетишига сабаб бўлади. Бунинг

оқибатида бозорларида кутилмаган инқизролар юз беради. Фарбнинг бозорларида, оламнинг турли минтақаларида иқтисодий бўхронларнинг юз бериши капиталистик иқтисод низоми бузғунчилигини, ширкатлар уюшмасининг низоми чиркинлигини, банкнинг рибога асосланган низоми манфурлигини ва қофоз пул низоми яхши ниятда ўйлаб топилмаганигина яна бир бор исботлайди. Токи ушбу низомлар тартиб-қоидалар мавжуд экан, капиталистик иқтисодий низомнинг бузғунчилигидан ва бозорлардаги бўхронлардан қутулишнинг сира иложи йўқ.

Оlamни капиталистик низомнинг бузғунчилигидан, ширкатлар уюшмасининг фитналаридан, банкнинг рибога асосланган тартиб-қоидаси ва мажбурий қофоз пул макрларидан қутқарадиган бирдан-бир восита бу низомларни бекор қилиш, ширкатлар уюшмасини тарқатиб юбориш ва исломий ширкатларга айлантириш.

Банкдаги рибога асосланган тартиб-қоидаларни таг-туги билан йўқ қилиш, мажбурий коғоз пул воситасини кучдан қолдириш, яна олтин ва кумуш орқали муомала қилишга қайтишдан иборат. Фақатгина шу йўл билан мунтазам давом этиб турган даҳшатли бўхронларнинг, иқтисодий инқирозларнинг олди олинади, рибога асосланган банкларнинг қарзлари ва бозорларидаги бекарорликка чек қўйилади. Оқибатда рибо билан кун кўрувчи банкларга эҳтиёж қолмайди ва бутун дунёда иқтисодий барқарорлик юзага келади. Пулнинг касод бўлиши, бозорларидаги лўттибозликлар ҳам барҳам топади, иқтисодий инқирозларга чек қўйилади.

Сайдимиз Муҳаммад алайҳиссаломга, у кишининг оила аъзоларига, саҳобаларига ва қиёматгача уларга эргашганларга Аллоҳнинг саловоти ва саломи бўлсин!

**16 ражаб 1418ҳ  
16 ноябр 1997м**

